

МАҲАЛЛИЙ БЮДЖЕТНИ ЎРТА МУДДАТЛИ РЕЖАЛАШТИРИШНИНГ ИҚТИСОДИЙ МОҲИЯТИ ВА ЗАРУРЛИГИ

Иманова Умида Баҳтиёровна

*TМС Тошкент инситути Иқтисодиёт фанлари бўйича
фалсафа фанлари доктори (PhD), доцент*

Аннотация: бюджет-солиқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар; маҳаллий бюджет даромадлари; молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш; маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базаси.

Калит сўзлар: давлат молияси, бюджет сиёсати; бюджет трансферлар;; маҳаллий бюджет; маҳаллий бюджетлари харажатлари;; молиялаштириши механизми; бюджет календари.

Жаҳон мамлакатлари учун молиявий барқарорликни ошириш йўлларини излаш муҳим бўлиб қолмоқда. Мазкур ҳолат янги глобал муаммоларнинг, жумладан, Covid-19 пандемиясининг пайдо бўлиши билан янада мураккаблашди. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий барқарорлигини ўз вақтида ва комплекс таҳлил қилиш иқтисодий таваккалчиликларни ҳар томонлама баҳолаш, ижтимоий ва бошқа муаммоларни аниқлаш, режалаштириш камчиликларини кўриб чиқиш ҳамда шу асосда ҳудудий бюджет сиёсатининг самарали шаклланишига имкон беради.

Мамлакатда бюджет-солиқ соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтириш, иқтисодий барқарорликни таъминлаш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал ривожига кенг имконият яратиш мақсади мужассамдир. Хусусан, иқтисодиётда солиқ юкини янада камайтириш, солиқ солиши механизмини соддалаштириш ҳамда солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш борасидаги чора-тадбирлар ана шу мақсад рўёбига қаратилмоқда. Маҳаллий бюджет даромадларини кенгайтириш ҳамда солиқ тўловчиларни аниқлаштириш ва унга нисбатан ёндашувларни асосланган ҳолда амалга оширилиши муҳим аҳамият касб этади. Маҳаллий бюджетларни молиявий барқарорлигини ошириш мамлакат миқёсида бир хил хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин, лекин ҳудудий нуктаи назардан ўзаро фарқланиши мавжуд бўлади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланади. Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Жумладан:

2017-2021-йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ ҳамда маҳаллий бюджетларнинг даромадлари базасини тубдан мустаҳкамлаш, юқори турувчи бюджетлар ажратмаларига қарамлигини қисқартириш, уй-жойкоммунал, транспорт-коммуникация ва ижтимоий инфраструктуру модернизациялаш ва техник янгилаш бўйича стратегик муҳим

инвестиция лойихаларини амалга оширишни сўзсиз таъминлаш юзасидан маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб бориши ва масъулиятини ошириш мақсадида қабул қилинди.

Фармонда мамлакат бюджет сиёсатининг асосий вазифалари этиб аҳолининг реал даромадлари, турмуш даражаси ва сифатини ошириш мақсадида худудларни комплекс ривожлантиришнинг барқарор молиялаштирилишини таъминлаш, марказ бюджетига қарамликни кескин камайтириш, бюджетлараро муносабатларни тубдан ислоҳ қилиш орқали маҳаллий бюджетлар маблағларини бошқаришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг мустақил иш олиб боришини кучайтириш белгиланди.

Ушбу йўналишларнинг иқтисодиёт ва бюджет барқарорлигини таъминлаш эканлиги таъкидланиб, барча соҳаларга бюджет тушуми ва харажатларини оптималлаштириш топширилди. Корхоналар фаолиятини қайта тиклаш ва солиқ маъмуриятчилигини яхшилаш ҳисобига қўшимча даромадларни таъминлаш, ташқи қарз битимларини тузища белгиланган чекловдан ошмаслик бўйича қўрсатма берилди³⁵.

Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан худуднинг молиявий потенциалига боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ҳозирда мавжуд бўлган вертикал молиявий ваколатларни горизонтал хусусиятга ўтказишни тақозо этади. Ушбу ҳолатнинг жорий этилмаслиги молиявий мустақилликни истиқболини мавхумлаштиради. Умуман олганда, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегиясини шакллантиришнинг муҳим омили бўлиб – молиявий мустақиллик ҳисобланади. Маҳаллий бюджетларнинг ижросини таъминлаш ва уларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш молиявий стратегиянинг муҳим йўналишлари ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетлар молиявий барқарорлигини мустаҳкамлаш икки жиҳатдан қаралиши мумкин. Хусусан:

Бизнингча, маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси самарали ишлаши кўп жиҳатдан худуднинг молиявий потенциалига боғлиқ ҳисобланади. Бу эса ҳозирда мавжуд бўлган вертикал молиявий ваколатларни горизонтал хусусиятга ўтказишни тақозо этади. Ушбу ҳолатнинг жорий этилмаслиги молиявий мустақилликни истиқболини мавхумлаштиради.

Шу боис, маҳаллий бюджетларнинг харажатларини амалга оширишдаги барқарорлиги молиявий стратегияни мустақил шакллантиришдаги ваколатларнинг мавжудлиги билан изоҳланади. Маҳаллий бюджетларнинг молиявий стратегияси марказлаштирилган ҳолда амалга оширилади. Бунда харажатлар ягона хуқукий ҳужжат билан белгиланади ва даромадлар марказга тўпланиб, қайта тақсимлаш орқали худудларга берилади. Давлат бюджети ўрта муддатли истиқболини белгилаш деганда давлатда юритилаётган сиёсатининг қиймати, истиқболлари ҳақида аниқ тасаввур

³⁵Иқтисодиёт барқарорлигини таъминлаш бўйича асосий йўналишлар белгиланди//Халқ сўзи, 2020 й.

хосил қилишга, янги ислоҳотларни жорий қилишни, шу билан бирга назорат қилиш механизмини такомиллаштириш шакли сифатида хизмат қиласди.

Иқтисодиётнинг давлат секторини бошқариш борасидаги ислоҳотлар бир қатор йўналишларни қамраб олади: бошқарув соҳасидаги ислоҳотлар; бюджет муносабатларини ривожлантириш ва тартибга солиш, шу жумладан, бюджетлараро муносабатларни такомиллаштириш; бюджет жараёнини ислоҳ этиш; бюджет соҳасини қайтадан ташкил этиш ва бошқалар шулар жумласидандир.

АДАБИЁДЛАР РЎЙХАТИ:

1. Abu-Eideh, O. M. (2015). Causality between public expenditure and GDP growth in Palestine: An econometric analysis of Wagner's law. *Journal of Economics and Sustainable Development*, 6(2). – Pp. 189-199.
2. Afonso, A. and Rault, C., (2009). Bootstrap Panel Granger-Causality between Government Spending and Revenue in the EU. *Economics Bulletin*, 29(4). – Pp. 2542-2548.
3. Alexiou, C. (2009). Government spending and economic growth: Econometric evidence from the South Eastern Europe (SEE). *Journal of Economic and social research*, 11(1), 1.
4. Al-Fawwaz, T. M. (2016). The impact of government expenditures on economic growth in Jordan (1980-2013). *International Business Research*, 9(1), 99.
5. Arpaia, A., & Turrini, A. (2007). Government expenditure and economic growth in the EU: long-run tendencies and short-term adjustment. Available at SSRN 2004461.
6. Aschauer, D. A. (1989). Is public expenditure productive? *Journal of monetary economics*, 23(2), 177-200.
7. Aslan, M. and Taşdemir M., (2009). Is Fiscal Synchronization Hypothesis Relevant for Turkey? Evidence from Cointegration & Causality Tests with Endogenous Structural Breaks. *Journal of Money, Investment and Banking*; Issue 12. – Pp. 14-25.
8. Bagdigen, M., & Cetintas, H. (2004). Causality between public expenditure and economic growth: The Turkish case. *Journal of Economic and Social research*, 6(1). – Pp. 53-72.